

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГУЛМУХАМЕДОВ ПУЛАТ БАХТИЁРОВИЧ**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИНИНГ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК ВА МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИК  
АСОСЛАРИ**

**14.00.21–Стоматология**

**14.00.33- Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Table of contents of the abstract of a doctoral (DSc) dissertation**

**Гулмухамедов Пулат Бахтиёрович**

Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари

ривожланишининг клиник ва молекуляр

генетик асослари..... 3

**Гульмухамедов Пулат Бахтиёрович**

Клинические и молекулярно-генетические

основы развития врожденных пороков

челюстно-лицевой области..... 31

**Gulmuxamedov Pulat Baxtiyorovich**

Clinical and molecular genetic basis of development

congenital malformations of the maxill

ofacial region..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 63

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГУЛМУХАМЕДОВ ПУЛАТ БАХТИЁРОВИЧ**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИНИНГ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК ВА МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИК  
АСОСЛАРИ**

**14.00.21–Стоматология**

**14.00.33- Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.DSc/Tib712 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчилар:</b>	<b>Хабилов Нигмон Лукмонович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
	<b>Ризаев Жасур Алимджанович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Искандарова Шахноза Тулкиновна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
	<b>Амхадова Малкан Абдрашидовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)
	<b>Закирова Умида Иркиновна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Жанубий-Қозоғистон тиббиёт академияси</b> <b>(Қозоғистон Республикаси)</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 66) 233-30-34, e-mail: [ilmiyprorektor@sammu.uz](mailto:ilmiyprorektor@sammu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 66) 233-30-34.)

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.Е. Зойиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ш.Т. Искандарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда болалар орасида ногиронликка, ҳаёт учун хавфли асоратларнинг ривожланишига ҳамда юқори ўлимга олиб келадиган юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари (ЮЖСТН) барқарор ўсиб бормоқда. ЖССТ маълумотларига кўра «...болаларда бутун катта гуруҳ туғма нуқсонлар орасида 80% дан ортиғини танглай ва лабнинг синдромсиз туғма нуқсонлари ташкил этади, улар одатда юқори учраш даражаси ҳамда оғир кечиши билан характерланади...»<sup>1</sup>. Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари кўп омилли патологиялар ҳисобланиб, уларнинг ривожланишида экзоген (ифлосланган ҳаво, радиация даражасининг юқорилиги, ҳомилага гиёҳванд моддалар, алкоголь, никотин, юқумли касалликлар ва бошқаларнинг таъсири) ҳамда эндоген омиллар (эмбриогенез пайтида гормонал ўзгаришлар, ирсий мойиллик, генетик омиллар) муҳим рол ўйнайди. Генетик омиллар орасида ксенобиотикларни детоксикация жараёнларида иштирок этадиган (организмдан экзоген кимёвий моддаларни ажратиб чиқариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган) ва фолат цикли (фолат метаболизмида иштирок этадиган) регуляторлар генларга алоҳида эътибор берилади. Уларнинг таркибий ўзгаришлари юқори хавф билан турли хил нуқсонлар, шу жумладан танглай ва лаб ёриқларининг шаклланиши билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, бу генларнинг ЮЖСТН ривожланишдаги ролини тўлиқ аниқлаш замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ЮЖСТН клиник ва инструментал кўринишларини ҳар томонлама баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ЮЖСТН бўлган болаларда ксенобиотикларни детоксикация тизими CYP1A1 (Pе462Val), MDR1 (C3435T), MDR1 (C1236T) ва фолат цикли тизими (MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G), MTRR (Pе22Met)) генларининг полиморф локусларининг генотиплари ҳамда аллелларининг тарқалиш хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, гено-фенотипик хусусиятларни баҳолаш, генетик ўзгаришлар ва ЮЖСТН шаклланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш, текширув протоколи ва ЮЖСТН учун даволаш ва профилактика чора-тадбирлари стратегиясини ишлаб чиқиш билан бирга ташҳисий ва башоратловчи мезонларни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббий ёрдамни янада ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, туғма нуқсонларининг ривожланишини олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

---

<sup>1</sup> Nasreddine, G., El Hajj, J., & Ghassibe-Sabbagh, M. (2021). Orofacial clefts embryology, classification, epidemiology, and genetics. *Mutation Research/Reviews in Mutation Research*, 787, 108373. doi:10.1016/j.mrrev.2021.108373.

стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда юз-жағ соҳасининг ривожланиш туғма нуқсонлари бўлган болаларнинг туғилиш даражасини камайтириш, уларнинг асоратларидан ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, касалликларнинг пренатал ва предимплантацион ДНК диагностикасида замонавий молекуляр генетик тадқиқот усулларида фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>3</sup>. ЮЖСТН клиник-инструментал ва молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of California, Texas, Virginia, Arkansas, Pittsburgh (АҚШ); Goethe-University (Германия); University of British Columbia (Канада); University of São Paulo (Бразилия); University of Oslo (Норвегия); Newcastle University (Буюк Британия); Guangzhou Hoffmann Institute of Immunology, Peking University (Хитой); Seoul National University (Корея); Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

ЮЖСТНларининг пренатал ва предимплантацион ДНК диагностикасини ишлаб чиқишда юқори самарадорликка эришиш борасида

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [pubmed.ncbi.nlm.nih.gov](http://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov), [cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru), [www.goethe-university-frankfurt.de](http://www.goethe-university-frankfurt.de), [www.utexas.edu](http://www.utexas.edu), [ubc.ca](http://ubc.ca), [www.berkeley.edu](http://www.berkeley.edu), [www.uark.edu](http://www.uark.edu), [www.virginia.edu](http://www.virginia.edu), [www.pitt.edu](http://www.pitt.edu), [www.ncl.ac.uk](http://www.ncl.ac.uk), [www.uio.no/english](http://www.uio.no/english), [www.useoul.edu](http://www.useoul.edu), [www.pkuf.org](http://www.pkuf.org), [www.gematologiya.uz](http://www.gematologiya.uz).

олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: детоксикация ва фолат цикли тизими генларининг туғма нуқсонларнинг ривожланиш патогенезига қўшган ҳиссаси ўрганилган (University of Texas (АҚШ); ЮЖСТН диагностикаси ва башорат қилиш учун стандарт ташхис усуллар билан биргаликда молекуляр генетик тест ўтказиш зарурати асосланган (Goethe-University (Германия); ЮЖСТН да фенотипик ва генетик спектрлар бўйича эрта ташхислаш самарадорлиги исботланган (Universitas (Индонезия); чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, стресс омиллари, юқумли касалликлар каби ташқи муҳит омиллари таъсири остида ЮЖСТН ривожланиши исботланган (Radboud University (Нидерландия); ЮЖСТН асоратларидан ногиронлик ва ўлим кўрсаткичлари аниқланган (Newcastle University (Буюк Британия); University of British Columbia (Канада); University of California (АҚШ); ЮЖСТН шаклланишида ксенобиотиклар ва фолат алмашинувининг тизимларининг генлари полиморф локусларининг роли исботланган Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон).

Дунёда клиник ва инструментал таҳлил ва молекуляр генетик омилларнинг ҳиссасини аниқлаш асосида ЮЖСТН шаклланишини эрта ташхислаш ва башорат қилиш алгоритмини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: туғма нуқсонлар билан боғлиқ микроцефалия билан оғриган болаларда оғиз ва юз-жағ соҳасининг функционал хусусиятларини баҳолаш; болаларда юз-жағ соҳасини, айниқса болаликдаги нотўғри тишлам, болалик OSA, лаб ва танглай ёриғи ва бошқа касалликлар даволашда рақамли технологиялардан фойдаланишни асослаш; ксенобиотиклар тизимининг полиморф генлари локуслари ва фолат метаболизмининг хусусиятларини баҳолаш; ЮЖСТН билан касалланган болаларда фенотипик ва генотипик кўринишлар ўртасидаги мумкин бўлган боғлиқликни аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда йирик илмий-тадқиқот марказларида ЮЖСТН пайдо бўлишига мойил бўлган турли хил ген вариантларининг ҳиссасини баҳолаш бўйича тадқиқотлар муҳим ва зарурдир (P.Feng et al., 2019; P.L. Casado et al., 2020). Юз-жағ соҳасидаги нуқсонлар ривожланишининг молекуляр гетерогенлиги клиник ва экспериментал тадқиқотлар (турли генлар, сигнал йўллари ва транскрипция омилларининг экспрессияси) билан исботланган (Zhou et al., 2018). Бундан ташқари, бугунги кунда жағ-юз соҳасининг ривожланишидаги айрим ривожланиш аномалиялари ўзига хос ген мутацияларига сабаб бўлиши аниқланди (M.L. Burg, Y. Chai, C.A. Yao, W. Magee, 2019). Хусусан, ксенобиотик тизимнинг полиморф ген (CYP1A1 (Ple462Val), MDR1 (C3435T), MDR1 (C1236T)) (Da Silva et al., 2018; N. Karas Kuželicki et al., 2018; Kozma A. et al., 2019), шунингдек фолат метаболизми тизимлари (MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G), MTRR A66G (Ple22Met)) (W. Lei et al., 2018; V. Rai, 2018; A. Amooee et al., 2019) орасидаги ассоциациялар аниқланди. Кузатилган оилавий ҳолатлар, нуқсонлар

ривожланишининг бошқа ирсий синдромлар билан боғлиқлиги, шунингдек, бугунги кунда аниқланган генетик нуқсонларнинг роли (N. Cohen, E. Cohen, A. Gaiero, S. Zecca, 2019) касалликни ривожланишида генетик омилларнинг аҳамиятидан далолат беради. Шундай қилиб, хорижий тадқиқотлар юз-жағ соҳасидаги нуқсонларни ривожланишида иштирок этувчи (A. Kasatwar, R. Borle, N. Bholra, K. Rajanikanth, 2018; Z. AlHammad, I. Suliman, S. Alotaibi, H. Alnofaie, 2019) қатор генларнинг (Eda, Edar, ИККу ва бошқалар) ролини кўрсатди. Шу билан бирга, ривожланиш аномалиялари алоҳида ёки бир нечта нуқсонларнинг комбинациясида шаклланиши мумкин (А.Т. Karnauhov, I.G. Alyoshkin, Е.А. Makovetskaya, 2022).

Кўплаб тадқиқотлар натижасида ҳозирги кунга қадар генетик компонентнинг юз-жағ соҳасидаги туғма нуқсонларни шаклланиш хавфидаги юқори аҳамияти тўғрисида маълумотлар тўпланиб, улар клиник кечишининг оғирлигини аниқлайди (М.М. Imani, et al., 2020; Y. Komiyama et al., 2020). Шу билан бирга, ЮЖСТНларини ривожланишининг генетик омиллари йўналиши бўйича кўплаб тадқиқотлар турли натижаларга эга: баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, касалликларнинг патогенезида у ёки бу геннинг роли мавжудлиги қайд этилган (R. Abdulla et al., 2020; M. A. Garland, 2020), бошқалари эса бу ҳақиқатни рад этишади (L. Tettamanti et al., 2017; W. Lei et al., 2018). Шунга қарамай, уларнинг шаклланишига олиб келадиган асосий генларни аниқлашга қаратилган ҳозирги тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, патологиянинг генезида иштирок этадиган генетик компонент жуда мураккаб бўлиб, унда ҳар қандай геннинг ўзига хос роли жуда кичик ва уларнинг ривожланиши бир нечта генларнинг полиморф вариантларининг экзоген омилларнинг таъсири билан ўзаро таъсири натижасидир.

Ўзбекистонда инновацион стратегияларни кенгайтириш ва юқори технологияларни жорий этиш далилларга асосланган тиббиёт асосларини, шу жумладан ЮЖСТН шаклланиш механизмлари ўрганиш, эрта пренатал ва предимплантацион ДНК-ташхисининг ҳамда, башорат қилиш усуллари каби муҳим жиҳатларни ишлаб чиқишга мақсадли ёндашишга ёрдам беради.

Шу муносабат билан молекуляр генетик механизмларни янада ўрганиш, ўзбек аҳолиси орасида ЮЖСТН шаклланишига ёрдам берадиган молекуляр генетик детерминантларни излашга қаратилган тадқиқотларнинг долзарблиги юқори даражада эканлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Юқориги-жағ соҳасининг туғма нуқсонларининг патогенези ва клиник кечишида айрим генларнинг ролини таҳлил қилиш» (2022-2023 йй.) мавзуси ҳамда МУЗ-2015-0910192057-рақамли амалий грант доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг клиник ва молекуляр-генетик текширув баённомаси

ҳамда ва ташкилий-профилактика асолари тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонларининг клиник кўринишини комплекс баҳолаш;

юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари билан туғилган беморларга клиник ва генетик маслаҳат ва ёрдамни ташкил этишнинг замонавий ҳолатини баҳолаш;

юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари бўлган беморларда ксенобиотиклар детоксикация тизими - CYP1A1 (Pе462Val), MDR1 (C3435T), MDR1 (C1236T) генларининг полиморф локуслари генотип ва аллелларининг тақсимланишини баҳолаш;

юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари беморларда фолат цикли тизими- MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G) ва MTRR (Pе22Met) генларининг полиморф локуслари генотип ва аллелларининг тақсимланишини баҳолаш;

гено-фенотипик хусусиятларни таҳлил қилиш ва генетик ўзгаришлар ва юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари шаклланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш;

юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари клиник кечишининг ривожланиши ва оғирлигининг ташхислаш ва башорат қилувчи мезонларини такомиллаштириш;

юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ташхисланган беморларга тиббий ёрдамни ташкил этиш ва сифатини яхшилаш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент давлат стоматология институти шифохонасида даволанган юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари билан хасталанган 105 нафар бемор асосий гуруҳга, анамнезида пародонт касаллиги бўлмаган 103 нафар шартли соғлом шахслар назорат гуруҳига олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморларнинг оғиз бўшлиғидан унинг микрофлорасини аниқлаш учун биосинамалар, генетик ҳолатни ўрганиш учун беморлар веноз қони ва сўлагидан ажратилган ДНК молекулаларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг клиник ва молекуляр генетик тадқиқотлар асосида текширув протоколи ва ташкилий-профилактика чоралари тизимини такомиллаштириш учун стоматологик, инструментал, цитогенетик, молекуляр-генетик (ПЗР) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг патогенетик механизмида хромосома аномалиялари, ксенобиотиклар детоксикацияси ва фолат циклининг тизим генларининг полиморф вариантларининг

хасталикка мойиллиги ва унинг натижасида ногирон болалар туғилишига асос бўлиши исботланган;

фолат циклини бошқарувчи мураккаб ички тармоқ ўзаро таъсирида бўлган MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C) ва MTRR (Ile22Met) генлари полиморфизмларининг функционал салбий оқибатга олиб келувчи генотипик вариантларини ташувчиси билан юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари шаклланиш ва кечиши ўртасида ишончли ассоциатив боғлиқликка асос бўлувчи генларнинг аҳамияти исботланган;

юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишида ксенобиотиклар биотрансформация тизимининг дисрегуляцияси билан боғлиқ-CYP1A1 (Ile462Val) ва MDR1 (C1236T) генларининг мутацион генотипик вариантларининг полорфизмида ирсий мойилликни эрта ташхислаш натижасида хавф омилини ривожланишини олдини олишдаги ўрни исботланган;

илк маротаба ксенобиотикларнинг биотрансформацияси ва фолат цикли генларнинг тизими функционал жиҳатдан салбий кўрсаткичларни қайт қилиши олиб келадиган генотип бирикмаларининг юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонларининг нозологик синергизм ривожланиши мавжудлиги исботланган;

юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишига хавфи туғдиришга монанад оилаларни вақтида скрининг маслаҳатини амалга ошириш натижасида ушбу патология билан туғиладиган болаларнинг паст, ўрта ва юқори хавфи билан туғилишини олдини олишга қаратилган тиббий-генетик маслаҳат тартибини амалга ошириш орқали хатарли нуқсонлари ва ногиронликни олдини олиш ташкил этишнинг янги тартибининг механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

клиник ва молекуляр биологик белгиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ЮЖСТН билан бўлган болалар туғилишини ташхислаш ва эрта башорат қилиш алгоритми такомиллаштирилган;

ЮЖСТН билан бўлган беморларни текширишнинг такомиллаштирилган алгоритми стоматологлар ва юз-жағ жарроҳларига нозологик ташхисни эрта аниқлаш нуқтаи назаридан фойдаланиш учун таклиф этилган;

туғма ривожланиш нуқсонли беморлар бўлган оилаларда тиббий-генетик маслаҳат (пренатал ва предимплантацион ДНК-ташхиси) ўтказиш пайтида касал болалар туғилиши эҳтимолини аниқроқ башорат қилиш туфайли популяцияда генетик юкнинг камайтириши асосланган;

тадқиқот натижалари республика аҳолисига тиббий-генетик ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

тадқиқот материаллари илмий ва амалий тадбирларни яратиш ва соғлиқни сақлаш ташкилотчилари, стоматологлар, юз-жағ жарроҳлари,

шунингдек генетик-шифокорлар учун услубий тавсияларни ишлаб чиқиш учун таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, старли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг старли эканлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, биокимёвий, инструментал, генетик ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, юз-жағ туғма нуқсонларини ташхислаш ва даволашни муқобиллаштиришга қаратилган тадбирларни изоҳлашда хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЮЖСТН билан бўлган болаларда клиник кўринишларнинг хусусиятлари аниқланганлиги, замонавий клиник ва генетик технологияларга асосланиб, маҳсулотлари ксенобиотиклар биотрансформацияси ва фолат циклини тартибга солишда бевосита иштирок этадиган тизимли генларнинг ЮЖСТН ривожланиш механизмидаги иштироқи, ўрганилаётган генларнинг функционал заифлашган генотипик вариантлари тўғрисида янги маълумотлар олинганлиги, ЮЖСТН шаклланиши ва клиник кечишида имконият нисбатларининг ишончли юқори кўрсаткичларига мустақил ёки комплекс равишда эга бўлганлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф қилинган алгоритм модели асосида патологияни ривожланиш хавфини эрта клиникадан олдин аниқлаш мақсадида генетик белгиларни аниқлаш орқали ЮЖСТНни башорат қилиш усули такомиллаштирилганлиги, патологиянинг ривожланиш хавфини эрта клиникадан олдин аниқлаш мақсадида генетик белгиларни аниқлаш орқали ушбу касалликнинг оғир шаклининг ривожланишига мойил бўлган беморлар орасида хавф гуруҳини баҳолаш ҳам таклиф қилинганлиги, ЮЖСТН нинг молекуляр патогенетик механизмларини аниқловчи турли омилларнинг ролини ҳисобга олган ҳолда ЮЖСТН нинг башорат қилувчи алгоритм моделини яратиш зарурлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 26 августдаги 5–сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг патогенетик механизмида хромосома аномалиялари, ксенобиотиклар детоксикацияси ва фолат циклининг тизим генларининг полиморф вариантларининг хасталикка мойиллиги ва унинг натижасида ногирон болалар туғилишига асос бўлиши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ЮЖСТН билан бўлган болаларда клиник кўринишларнинг

хусусиятлари аниқланган; замонавий клиник ва генетик технологияларга асосланиб, маҳсулотлари ксенобиотиклар биотрансформацияси ва фолат циклини тартибга солишда бевосита иштирок этадиган тизимли генларнинг ЮЖСТН ривожланиш механизмидаги иштироки, ўрганилаётган генларнинг функционал заифлашган генотипик вариантлари тўғрисида янги маълумотлар олинди, ЮЖСТН шаклланиши ва клиник кечишида имконият нисбатларининг ишончли юқори кўрсаткичларига мустақил ёки комплекс равишда эга бўлганлиги аниқланди. Бу касалликнинг генетик «архитектураси» ва этиопатогенезини ўрнатишга ёрдам беради, бу эса ҳомилада эмбрион даврида туғма нуқсонларнинг шаклланишини яхшироқ тушунишга қаратилган яна бир қадамдир. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (15.12.2023 й.; №55), Республика ихтисослаштирилган гематологик илмий-амалий тиббиёт маркази, буйруқ (18.12.2023 й.; №21-Н), клиник амалиётга татбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Тавсия этилган алгоритм модели асосида, генетик маркёрларни аниқлаш йўли орқали ЖЮСТН билан хасталанган болаларни туғилишини эрта башорат қилиш усули такомиллаштирилди. Патологиянинг ривожланиш хавфини клиникадан ривожланишидан олдин эрта аниқлаш мақсадида, ушбу ривожланиш нуқсонининг оғир шакллари ривожланишига мойиллиги бор беморлар орасида хавф гуруҳини баҳолаш алгоритми таклифи берилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ташкилий чора-тадбирлар босқич ва башорат алгоритмини такомиллаштириш Республика аҳолисига тиббий-генетик ёрдам кўрсатиш орқали, юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари билан туғилишини олдини олади ва даволаш - профилактикаси самарадорлигини оширади. Хулоса: Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, ЮЖСТН нинг шаклланиши ва кечиш оғирлиги хавфи билан МТХФР (С677Т), МТХФР (А1298С) ва МТРР (ILe 22Met) - фолат алмашинуви генларининг мойиллик қилувчи генотипик вариантларини ташувчанлиги ўртасида ишончли муҳим боғлиқлик аниқланди. Ушбу генларнинг заифлашган генотипик вариантлари ташувчиси билан ЮЖСТН ривожланиш хавфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2 мартадан кўпроқ ( $\chi^2=7.3$ ;  $p=0.01$ ), касалликнинг оғир шакли 4,5 дан кўпроқ ( $OR=4.6$ ;  $\chi^2=4.6$ ;  $p=0.01$ ) ошади. Бир вақтнинг ўзида, ушбу генларнинг нормал генотипик вариантлари касалликнинг ривожланиш хавфини камайтириш билан аҳамиятли равишда боғлиқ ( $OR>1$  при  $p<0.05$ ). Илмий янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиши: «Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг клиник ва молекуляр генетик асослари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарқанд давлат

тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 26 июндаги 6204-сонли хат юборилган.

иккинчи илмий янгилик: фолат циклини бошқарувчи мураккаб ички тармоқ ўзаро таъсирида бўлган MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C) ва MTRR (Ile22Met) генлари полиморфизмларининг функционал салбий оқибатга олиб келувчи генотипик вариантларини ташувчиси билан юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари шаклланиш ва кечиши ўртасида ишончли ассоциатив боғлиқликка асос бўлувчи генларнинг аҳамияти исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ЮЖСТН билан бўлган болаларда клиник кўринишларнинг хусусиятлари аниқланган; замонавий клиник ва генетик технологияларга асосланиб, маҳсулотлари ксенобиотиклар биотрансформацияси ва фолат циклини тартибга солишда бевосита иштирок этадиган тизимли генларнинг ЮЖСТН ривожланиш механизмидаги иштироки, ўрганилаётган генларнинг функционал заифлашган генотипик вариантлари тўғрисида янги маълумотлар олинди, ЮЖСТН шаклланиши ва клиник кечишида имконият нисбатларининг ишончли юқори кўрсаткичларига мустақил ёки комплекс равишда эга бўлганлиги аниқланди. Бу касалликнинг генетик «архитектураси» ва этиопатогенезини ўрнатишга ёрдам беради, бу эса ҳомилада эмбрион даврида туғма нуқсонларнинг шаклланишини яхшироқ тушунишга қаратилган яна бир қадамдир. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (15.12.2023 й.; №55), Республика ихтисослаштирилган гематологик илмий-амалий тиббиёт маркази, буйруқ (18.12.2023 й.; №21-Н), клиник амалиётга татбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Тавсия этилган алгоритм модели асосида, генетик маркёрларни аниқлаш йўли орқали ЖЮСТН билан хасталанган болаларни туғилишини эрта башорат қилиш усули такомиллаштирилди. Патологиянинг ривожланиш хавфини клиникадан ривожланишидан олдин эрта аниқлаш мақсадида, ушбу ривожланиш нуқсонининг оғир шакллари ривожланишига мойиллиги бор беморлар орасида хавф гуруҳини баҳолаш алгоритми таклифи берилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ташкилий чора-тадбирлар босқич ва башорат алгоритмини такомиллаштириш Республика аҳолисига тиббий-генетик ёрдам кўрсатиш орқали, юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари билан туғилишини олдини олади ва даволаш - профилактикаси самарадорлигини оширади. Хулоса: Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, ЮЖСТН нинг шаклланиши ва кечиш оғирлиги хавфи билан MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C) ва MTRR (Ile 22Met) - фолат алмашинуви генларининг мойиллик қилувчи генотипик вариантларини ташувчанлиги ўртасида ишончли муҳим боғлиқлик аниқланди. Ушбу генларнинг заифлашган генотипик вариантлари ташувчиси билан ЮЖСТН ривожланиш хавфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2 мартадан кўпроқ ( $\chi^2=7.3$ ;  $p=0.01$ ),

касалликнинг оғир шакли 4,5 дан кўпроқ ( $OR=4.6$ ;  $\chi^2=4.6$ ;  $p=0.01$ ) ошади. Бир вақтнинг ўзида, ушбу генларнинг нормал генотипик вариантлари касалликнинг ривожланиш хавфини камайтириш билан аҳамиятли равишда боғлиқ ( $OR>1$  при  $p<0.05$ ). Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг клиник ва молекуляр генетик асослари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 26 июндаги 6204-сонли хат юборилган

учинчи илмий янгилик: юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишида ксенобиотиклар биотрансформация тизимининг дисрегуляцияси билан боғлиқ-СYP1A1 (P462Val) ва MDR1 (C1236T) генларининг мутацион генотипик вариантларининг полорфизмида ирсий мойилликни эрта ташхислаш натижасида хавф омилини ривожланишини олдини олишдаги ўрни исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ЮЖСТН билан бўлган болаларда клиник кўринишларнинг хусусиятлари аниқланган; замонавий клиник ва генетик технологияларга асосланиб, маҳсулотлари ксенобиотиклар биотрансформацияси ва фолат циклини тартибга солишда бевосита иштирок этадиган тизимли генларнинг ЮЖСТН ривожланиш механизмидаги иштироқи, ўрганилаётган генларнинг функционал заифлашган генотипик вариантлари тўғрисида янги маълумотлар олинди, ЮЖСТН шаклланиши ва клиник кечишида имконият нисбатларининг ишончли юқори кўрсаткичларига мустақил ёки комплекс равишда эга бўлганлиги аниқланди. Бу касалликнинг генетик «архитектураси» ва этиопатогенезини ўрнатишга ёрдам беради, бу эса ҳомилада эмбрион даврида туғма нуқсонларнинг шаклланишини яхшироқ тушунишга қаратилган яна бир қадамдир. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (15.12.2023 й.; №55), Республика ихтисослаштирилган гематологик илмий-амалий тиббиёт маркази, буйруқ (18.12.2023 й.; №21-Н), клиник амалиётга татбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Тавсия этилган алгоритм модели асосида, генетик маркёрларни аниқлаш йўли орқали ЖЮСТН билан хасталанган болаларни туғилишини эрта башорат қилиш усули такомиллаштирилди. Патологиянинг ривожланиш хавфини клиникадан ривожланишидан олдин эрта аниқлаш мақсадида, ушбу ривожланиш нуқсонининг оғир шакллари ривожланишига мойиллиги бор беморлар орасида хавф гуруҳини баҳолаш алгоритми таклифи берилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ташкилий чора-тадбирлар босқич ва башорат алгоритмини такомиллаштириш Республика аҳолисига тиббий-генетик ёрдам кўрсатиш орқали, юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари билан туғилишини олдини олади ва даволаш - профилактикаси самарадорлигини

оширади. Хулоса: Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, ЮЖСТН нинг шаклланиши ва кечиш оғирлиги хавфи билан МТХФР (С677Т), МТХФР (А1298С) ва МТРР (PLe22Met) - фолат алмашинуви генларининг мойиллик қилувчи генотипик вариантларини ташувчанлиги ўртасида ишончли муҳим боғлиқлик аниқланди. Ушбу генларнинг заифлашган генотипик вариантлари ташувчиси билан ЮЖСТН ривожланиш хавфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2 мартадан кўпроқ ( $\chi^2=7.3$ ;  $p=0.01$ ), касалликнинг оғир шакли 4,5 дан кўпроқ ( $OR=4.6$ ;  $\chi^2=4.6$ ;  $p=0.01$ ) ошади. Бир вақтнинг ўзида, ушбу генларнинг нормал генотипик вариантлари касалликнинг ривожланиш хавфини камайтириш билан аҳамиятли равишда боғлиқ ( $OR>1$  при  $p<0.05$ ). Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг клиник ва молекуляр генетик асослари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 26 июндаги 6204-сонли хат юборилган

тўртинчи илмий янгилик: илк мартаба ксенобиотикларнинг биотрансформацияси ва фолат цикли генларнинг тизими функционал жиҳатдан салбий кўрсаткичларни қайт қилиши олиб келадиган генотип бирикмаларининг юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонларининг нозологик синергизм ривожланиши мавжудлиги исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ЮЖСТН билан бўлган болаларда клиник кўринишларнинг хусусиятлари аниқланган; замонавий клиник ва генетик технологияларга асосланиб, маҳсулотлари ксенобиотиклар биотрансформацияси ва фолат циклини тартибга солишда бевосита иштирок етадиган тизимли генларнинг ЮЖСТН ривожланиш механизмидаги иштироки, ўрганилаётган генларнинг функционал заифлашган генотипик вариантлари тўғрисида янги маълумотлар олинди, ЮЖСТН шаклланиши ва клиник кечишида имконият нисбатларининг ишончли юқори кўрсаткичларига мустақил ёки комплекс равишда ега бўлганлиги аниқланди. Бу касалликнинг генетик «архитектураси» ва этиопатогенезини ўрнатишга ёрдам беради, бу эса ҳомилада эмбрион даврида туғма нуқсонларнинг шаклланишини яхшироқ тушунишга қаратилган яна бир қадамдир. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (15.12.2023 й.; №55), Республика ихтисослаштирилган гематологик илмий-амалий тиббиёт маркази, буйруқ (18.12.2023 й.; №21-Н), клиник амалиётга татбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Тавсия этилган алгоритм модели асосида, генетик маркёрларни аниқлаш йўли орқали ЖЮСТН билан хасталанган болаларни туғилишини эрта башорат қилиш усули такомиллаштирилди. Патологиянинг ривожланиш хавфини клиникадан ривожланишидан олдин эрта аниқлаш мақсадида,

ушбу ривожланиш нуқсонининг оғир шакллари ривожланишига мойиллиги бор беморлар орасида хавф гуруҳини баҳолаш алгоритми таклифи берилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ташкилий чора-тадбирлар босқич ва башорат алгоритмини такомиллаштириш Республика аҳолисига тиббий-генетик ёрдам кўрсатиш орқали, юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари билан туғилишини олдини олади ва даволаш - профилактикаси самарадорлигини оширади. Хулоса: Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, ЮЖСТН нинг шаклланиши ва кечиш оғирлиги хавфи билан МТХФР (С677Т), МТХФР (А1298С) ва МТРР (ILe22Met) - фолат алмашинуви генларининг мойиллик қилувчи генотипик вариантларини ташувчанлиги ўртасида ишончли муҳим боғлиқлик аниқланди. Ушбу генларнинг заифлашган генотипик вариантлари ташувчиси билан ЮЖСТН ривожланиш хавфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2 мартадан кўпроқ ( $\chi^2=7.3$ ;  $p=0.01$ ), касалликнинг оғир шакли 4,5 дан кўпроқ ( $OR=4.6$ ;  $\chi^2=4.6$ ;  $p=0.01$ ) ошади. Бир вақтнинг ўзида, ушбу генларнинг нормал генотипик вариантлари касалликнинг ривожланиш хавфини камайтириш билан аҳамиятли равишда боғлиқ ( $OR>1$  при  $p<0.05$ ). Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг клиник ва молекуляр генетик асослари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 26 июндаги 6204-сонли хат юборилган

бешинчи илмий янгилик: юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишига хавфи туғдиришга монанад оилаларни вақтида скрининг маслаҳатини амалга ошириш натижасида ушбу патология билан туғиладиган болаларнинг паст, ўрта ва юқори хавфи билан туғилишини олдини олишга қаратилган тиббий-генетик маслаҳат тартибини амалга ошириш орқали хатарли нуқсонлари ва ногиронликни олдини олиш ташкил этишининг янги тартибининг механизми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ЮЖСТН билан бўлган болаларда клиник кўринишларнинг хусусиятлари аниқланган; замонавий клиник ва генетик технологияларга асосланиб, маҳсулотлари ксенобиотиклар биотрансформацияси ва фолат сиклини тартибга солишда бевосита иштирок этадиган тизимли генларнинг ЮЖСТН ривожланиш механизмидаги иштироки, ўрганилаётган генларнинг функционал заифлашган генотипик вариантлари тўғрисида янги маълумотлар олинди, ЮЖСТН шаклланиши ва клиник кечишида имконият нисбатларининг ишончли юқори кўрсаткичларига мустақил ёки комплекс равишда ега бўлганлиги аниқланди. Бу касалликнинг генетик «архитектураси» ва этиопатогенезини ўрнатишга ёрдам беради, бу эса ҳомилада эмбрион даврида туғма нуқсонларнинг шаклланишини яхшироқ тушунишга қаратилган яна бир

кадамдир. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, буйруқ (15.12.2023 й.; №55), Республика ихтисослаштирилган гематологик илмий-амалий тиббиёт маркази, буйруқ (18.12.2023 й.; №21-Н), клиник амалиётга татбиқ этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Тавсия этилган алгоритм модели асосида, генетик маркёрларни аниқлаш йўли орқали ЖЮСТН билан хасталанган болаларни туғилишини эрта башорат қилиш усули такомиллаштирилди. Патологиянинг ривожланиш хавфини клиникадан ривожланишидан олдин эрта аниқлаш мақсадида, ушбу ривожланиш нуқсонининг оғир шакллари ривожланишига мойиллиги бор беморлар орасида хавф гуруҳини баҳолаш алгоритми таклифи берилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ташкилий чора-тадбирлар босқич ва башорат алгоритмини такомиллаштириш Республика аҳолисига тиббий-генетик ёрдам кўрсатиш орқали, юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари билан туғилишини олдини олади ва даволаш - профилактикаси самарадорлигини оширади. Хулоса: Тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб, ЮЖСТН нинг шаклланиши ва кечиш оғирлиги хавфи билан МТХФР (С677Т), МТХФР (А1298С) ва МТРР (PLe22Met) - фолат алмашинуви генларининг мойиллик қилувчи генотипик вариантларини ташувчанлиги ўртасида ишончли муҳим боғлиқлик аниқланди. Ушбу генларнинг заифлашган генотипик вариантлари ташувчиси билан ЮЖСТН ривожланиш хавфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2 мартадан кўпроқ ( $\chi^2=7.3$ ;  $p=0.01$ ), касалликнинг оғир шакли 4,5 дан кўпроқ ( $OR=4.6$ ;  $\chi^2=4.6$ ;  $p=0.01$ ) ошади. Бир вақтнинг ўзида, ушбу генларнинг нормал генотипик вариантлари касалликнинг ривожланиш хавфини камайтириш билан аҳамиятли равишда боғлиқ ( $OR>1$  при  $p<0.05$ ). Илмий янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиши: «Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг клиник ва молекуляр генетик асослари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган илмий техник кенгашига Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори томонидан 2024 йил 26 июндаги 6204-сонли хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари муаммосининг ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ЮЖСТН нинг клиник шаклига кўра тарқалганлиги муаммосининг умумий тақдмоти ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. ЮЖСТН ни ўрганиш даврларини таҳлил қилиш уларнинг ушбу муаммонинг аҳамияти тўғрисида замонавий қарашларни шакллантириш учун муҳимлигини кўрсатади. Бундан ташқари, бир қатор кенг кўламли эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, турли мамлакатларда, турли популяциялар ва жинсдаги шахслар орасида ЮЖСТН билан касалланиш жуда ўзгарувчан ва бир хил эмас. ЮЖСТН нинг ривожланиши турли омилларнинг, шу жумладан генетик полиморфизмларнинг мураккаб ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган жуда мураккаб жараёнлар билан аниқланиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонларида тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Тадқиқотда 500 нафар ЮЖСТН аниқланган болалар касаллик тарихи ретроспектив ўрганилди ва улар орасидан тасодифий усул билан 105 нафар бола танлаб олинди, шунингдек, анамнезида туғма патологиялар бўлмаган 103 нафар бола проспектив таҳлил учун танлаб олинган. Барча текширилган болаларнинг ёш чегараси 5 ёшдан 11 ёшгача бўлиб, ЮЖСТН мавжуд бўлган беморларнинг ўртача ёши  $6,2 \pm 1,2$  ёшни ва назорат гуруҳининг ўртача ёши  $6,4 \pm 1,3$  ёшни ташкил этди. Барча текширилган беморлар 2017 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Тошкент давлат стоматология институти клиникасида диспансер рўйхатига олинганлар ва кузатув остида бўлганлар.

ЮЖСТН ташҳиси беморларни комплекс клиник ва асбобий текширув асосида қўйилди. Шу билан бирга, касалликларнинг халқаро 10-таснифи (КХТ–10) (2007) ва ЖССТ тавсияларига (2012) мувофиқ, клиник ва асбобий тадқиқотлар натижаларига кўра, молекуляр генетик тадқиқотлар учун танланган ( $n=105$ ) ЮЖСТН билан бўлган текширилаётган, нозологияга кўра Биринчи яъни асосий гуруҳни ташкил этган болалар уч гуруҳга бўлинди: 2 – гуруҳ танглайда ёриқ билан бўлган болалар ( $Q\ 35$ ;  $n=35$ ); 3 - гуруҳ лабда ёриқ билан бўлган болалар ( $Q36$ ;  $n=33$ ) ва 4 – гуруҳ танглай ва лабда аралаш ёриқ билан бўлган болалар ( $Q\ 37$ ;  $n=37$ ). Шу билан бирга, бешинчи яъни назорат гуруҳини ЮЖСТН билан оғриган беморларга ёши ва жинси бўйича мос келадиган 103 та деярли соғлом шахслардан иборат эди.

Тадқиқотнинг белгиланган мақсади ва вазифаларига мувофиқ, ЮЖСТН аниқланган беморнинг махсус текширув картасидан фойдаланган ҳолда сўровнома ўтказиш ва стандарт умумий клиник ва генетик усулларни қамраб олган ҳолда босқичма-босқич ўтказилган тадқиқотлар комплекси ўтказилди.

Клиник тадқиқотлар Тошкент стоматология институти клиникасида, молекуляр генетик тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг (РИГИАТМ) цитогенетика, молекуляр генетика ва ФИШ лабораториясида ўтказилди.

Генетик тадқиқотлар нурли микроскоп (Mindray, Хитой) ёрдамида хромосомаларнинг бўялган препаратларида кейинчалик хромосомаларнинг микроскопик ўзгаришларини ўрганган ҳолда, уларни бўяш йўли билан хромосомаларнинг стандарт цитогенетик таҳлилини ўтказишни ўз ичига олган, шунингдек полиморф генлар CYP1A1 (Ile462Val), MDR1 (C3435T), MDR1 (C1236T), MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G), MTRR (Ile22Met) «AppliedBiosystems» (АҚШ) ва Corbet (Rotor-Gene, QUAGEN, Германия) дастурлаштириладиган ишлаб чиқарувчиларнинг термотциклларларида ПЗР усули орқали молекуляр генетик таҳлиллари ўтказилди.

Рақам кўрсаткичларини статистик таҳлили. Тадқиқот давомида аниқланган натижаларга статистик ишлов беришда «OpenEpi 2009, Version 2.9» статистик дастурлар тўпламидан фойдаланилди, бунда  $\chi^2$  мезонларни ҳисоблаш усуллари имкониятлар ва хавфлар нисбати (OR) кўрсаткичи, ишонч интервали (СИ 95%) ва P -  $P < 0.05$  бўлганда ишончли деб ҳисобланган фарқлар билан бўлган қийматларидан фойдаланилди.


Диссертациянинг «**Юқори-жағ соҳасининг туғма нуқсонларининг тузилиши, ёш ва жинсга боғлиқ хусусиятлари, мойиллик қилувчи омиллар ва клиник кўринишларни таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи бобида ЮЖСТН мавжуд бўлган беморларнинг ўтказилган ретроспектив ва проспектив таҳлиллари шуни кўрсатдики, беморлар орасида аёл жинси орасида патологиянинг бир оз юқори учраши аниқланди, бу эркак жинси билан солиштирганда мос равишда 53,3% га 46,7% ни ташкил этди. Шу билан бирга, текширилаётганлар ёшининг тоифасига қараб беморларнинг жинси тақсимооти бўйича деярли бир хил тенденция кузатилди.

ЮЖСТН мавжуд бўлган беморларни ёшига қараб мурожаат қилиши таҳлил қилинганда, унинг 5 ёшдан 7 ёшгача бўлганлар орасида юқори эканлиги аниқланди. Бунда ёши каттароқ беморлар камроқ мурожаат қилган.

ЮЖСТН мавжуд бўлган беморларни мурожаат қилишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, сўнгги икки йил ичида (2021-2022 йиллар) мурожаат ҳолатларининг кўпайиши аниқланди, бу, эҳтимол, ушбу ривожланиш нуқсони билан болалар туғилиши сонининг кўпайиши билан боғлиқ.


ЮЖСТН мавжуд бўлган болалар туғилиши билан боғлиқ бўлган бир қатор “ёмон оқибатли” омилларнинг таъсири ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш муҳим ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун биз “ЮЖСТН аниқланган беморларни махсус текширув харитасини” ишлаб чиқдик, унга ЮЖСТН билан фарзандларининг туғилишига олиб келган ота-оналарда эҳтимолий ёмон оқибатли хавф омилларни мавжудлигини аниқлаш учун махсус (ижтимоий-маиший даража;

касбий хавфлар; ота-оналарда сурункали касалликлар, анемиялар, эндокринологик патологияларнинг мавжудлиги; турли кимёвий моддалар билан алоқалар; ҳомиладорлик даврида ўтказилган ўткир яллиғланиш касалликлари: ЎРИ, ЎРВИ, КОВИД 19; уруғланиш ва ҳомила шаклланиши даврида тератоген дориларни қабул қилиш; наслий мойиллик; уруғланиш даврида ота-оналар ёши, қариндош орасида никоҳ ва ҳоказолар) саволлар киритилган эди.



**1-расм.** Юқори жағсоҳаси туғма нуқсонлари ривожланишига мойил бўлган умумий омилларни таҳлил қилиши.

Анамнестик маълумотларни ўрганиб, ота – оналар орасида ЮЖСТН шаклланишига мойил бўлган бир қатор омиллар, масалан, наслий мойиллик- 22,5% 23,2% ҳолларда, 40,6% ва 3,7% ҳолларда чекиш, ота ва онада сурункали инфекциялар мавжудлиги 25,6% ва 25,0% ҳолларда, уруғланиш ва ҳомиладорлик даврида 7,1% ва 28,6% ҳолларда ўткир вирусли ва бактериал касалликлар, шунингдек 35 ёшдан ошган ота-оналарнинг ёши 4,2% ва 19,5% ҳолларда аниқланди (1-расм.).



**2-расм.** Юқори жағ соҳаси туғма нуқсонлари мавжуд бўлган текширилган болалар орасида касалланишнинг умумий тузилишида КХТ-10 га кўра унинг синдромли ва синдромсиз вариантлари (А) ва шаклланинг (Б) улуши.

Бундан ташқари, КХТ 10 га мувофиқ патологиянинг нозологик шакллари (Q35, Q36 ва Q37) кўра ЮЖСТН ҳолатлари сонини тавсифлаш муҳим эди. Хусусан, Q 35 билан муружаат қилган беморлар сони 33,4%, Q36 - 31,4% ва Q37 -35,2% га тенг бўлди (2А ва Б расмга қаранг).

Шундай қилиб, ЮЖСТН мавжуд бўлган болалар орасида клиник шакллар таркибида нуқсоннинг янада оғир шакллари ҳолатлари устунлик қилди, улар

туғма алоҳида ҳолда танглай ва танглай ва лабда аралаш ёриғи бўлган беморлар бўлиб, улар жами 74,4% ни ташкил этди (500 бемордан 372 таси).

Диссертатсиянинг «Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонларида ксенобиотиклар биотрансформациясининг генлари полиморф вариантларининг (CYP1A1 (Pе462Val), MDR1 (C3435T), MDR1 (C1236T)) тақсимланиш хусусиятлари ва ролини таҳлил қилиш» деб номланган тўртинчи бобида ксенобиотиклар полиморф генларининг CYP1A1 (Pе462Val), MDR1 (C3435T) ва MDR1 (C1236T) молекуляр генетик текширувлари натижалари келтирилган ҳамда ЮЖСТН бошланиш механизмида уларни ҳиссасини баҳолаш ўтказилган.

ЮЖСТН мавжуд бўлган беморлар ва соғлом шахслар орасида полиморф генлар CYP1A1 (Pе462Val), MDR1 (C3435T) генотипик вариантлари учраш даражалари тақсимланишининг мослигини ўрганишда РХВ ( $\chi^2 < 0.84$ ;  $p > 0,05$ ) га кўра фарқлар аниқланмади, Q36 ( $\chi^2 = 6.4$ ;  $p = 0.012$ ) билан бўлган беморлар орасида ген MDR1 (C1236T) полиморфизмидан ташқари, бу ерда С/Т генотипининг гетерозигот вариантининг кузатилган частоталари ортиқча бўлган.

ЮЖСТН (n=105) мавжуд бўлган асосий гуруҳ беморлар орасида CYP1A1 генида Pе462Val аллел полиморфизмининг учрашини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, энг яққол намоён бўлган фарқлар G кичик аллели ва G/G мутант генотипи частоталарида намоён бўлади, уларнинг улуши ЮЖСТН билан бўлган текширилганларнинг асосий гуруҳидан ошади (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Юқори жағ соҳаси туғма нуқсонлари бўлган беморлар ва соғлом назорат гуруҳларидаги CYP1A1 генида Pе462Val полиморфизми аллеллари ва генотипларининг тақсимланиши

№	Гуруҳлар	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг учраш даражаси					
		A		G		A/A		A/G		G/G	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
I	Асосий гуруҳ, n=105	160	76.2	50	23.8	64	61.0	32	30.4	9	8.6
II	Q35 (танглайда ёрик), n=35	53	75.7	17	24.3	22	62.9	9	25.7	4	11.4
III	Q36 (лабда ёрик), n=33	48	72.7	18	27.3	18	54.6	12	36.4	3	9.0
IV	Q37 (танглай ва лабда ёрик), n=37	59	79.7	15	20.3	24	64.9	11	29.7	2	5.4
V	Назорат гуруҳи, n=103	171	83.0	35	17.0	72	69.9	27	26.2	4	3.9

ЮЖСТН бўлган асосий гуруҳ ва соғломларнинг ўртасида ўрганилган полиморф генетик вариант бўйича аллеллар ҳамда генотипларни ташувчанлик натижаларини таққослаб, функционал жиҳатдан ёмон оқибатга олиб келувчи G аллели ЮЖСТН билан бўлган беморлар орасида 1,5 баравар кўп учради ( $\chi^2 = 3.0$ ;  $P = 0.1$ ). Бошқа локусларга нисбатан сезиларли фарқлар топилмади.

Q35 билан бўлган гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан кичик G аллелининг пайдо бўлишининг сезиларли бўлмаган 1,6 баравар кўпайиши аниқланди ( $\chi^2=1.8$ ;  $P=0.2$ ). Бу расмда A/A ( $\chi^2=0.6$ ;  $P=0.5$ ) ва A/G ( $\chi^2<3.84$ ;  $P=0.97$ ;) генотипларининг частоталари ҳам таққосланувчи гуруҳлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилмади. Шу билан бирга, Q35 билан бўлган гуруҳдаги мутант G/G генотипининг улушини назорат гуруҳи билан солиштирганда 3,2 баробар ( $\chi^2=2.7$ ;  $P=0.1$ ) ошиш тенденцияси мавжуд эди.

Q36 билан бўлган беморлар гуруҳида соғломлар билан таққослаганда, функционал ноқулай G аллелининг частотасини 1,8 баравар ошиш тенденцияси мавжуд эди ( $\chi^2=3.4$ ;  $P=0.1$ ). Гетерозиготали A/G ва гомозиготали кичик G/G генотипларининг частоталари бўйича уларнинг частоталари мос равишда 1,6 ( $\chi^2=1.3$ ;  $P=0.3$ ) ва 2,5 мартаба ( $\chi^2=1.4$ ;  $P=0.3$ ) ишончли бўлмаган равишда ошган.

Q37 билан бўлган беморларнинг гуруҳида назорат гуруҳи билан солиштирганда статистик муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳеч қандай фарқлар ( $\chi^2<3.84$ ;  $P>0.5$ ) аниқланмади.

ЮЖСТН билан бўлган беморларнинг асосий гуруҳидаги MDR1 (C3435T) гени полиморфизмига кўра, назорат гуруҳи билан солиштирганда, T аллели статистик жиҳатдан бироз камроқ қайд қилинди ( $\chi^2=0.1$ ;  $P=0.8$ ). C/T гетерозигота ( $\chi^2=0.9$ ;  $P=0.4$ ) ва T/T мутант гомозигота ( $\chi^2=0.2$ ;  $P=0.7$ ) частоталаридаги фарқлар статистик ишончилиликка эриша олмади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Юқори жағ соҳаси туғма нуқсонлари билан бўлган беморлар ва соғлом назорат гуруҳларида MDR1 генида C3435T полиморфизмининг аллеллар ва генотиплари частоталарининг тақсимланиши

№	Гуруҳлар	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг учраш даражаси					
		C		T		C/C		C/T		T/T	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
I	Асосий гуруҳ, n=105	155	73.8	55	26.2	59	56.2	37	35.2	9	8.6
II	Q35 (танглайда ёриқ), n=35	51	72.9	19	27.1	20	57.1	11	31.4	4	11.4
III	Q36 (лабда ёриқ), n=33	48	72.7	18	27.3	18	54.5	12	36.4	3	9.1
IV	Q37 (танглай ва лабда ёриқ), n=37	56	75.7	18	24.3	21	56.8	14	37.8	2	5.4
V	Назорат гуруҳи, n=103	149	72.3	57	27.7	53	51.5	43	41.7	7	6.8

MDR1 (C3435T) гени полиморфизмининг Q35 билан бўлган беморлар ва соғлом шахслар гуруҳлари ўртасида тақсимланишидаги фарқларни таққослаб, T аллел варианты ( $\chi^2<3.84$ ;  $P=0.95$ ;  $OR=1.0$ ;  $95\%CI: 0.53-1.79$ ), C/C асосий генотиби ( $\chi^2<3.84$ ;  $P=0.6$ ;  $OR=1.3$ ;  $95\%CI: 0.58-2.72$ ), T/T кичик генотиби ( $1\chi^2=0.8$ ;  $P=0.4$ ;  $OR=1.8$ ;  $95\%CI: 0.49-6.36$ ), шунингдек C/T гетерозиготанинг ( $\chi^2=1.2$ ;  $P=0.3$ ;  $OR=0.6$ ;  $95\%CI: 0.28-1.44$ ) ташувчанлигида сезиларли фарқлар йўқ эди.

MDR1 (C3435T) ген полиморфизмининг аллелик ва генотипик вариантларида фарқлар Q36 билан бўлган беморлар ва соғлом шахслар орасида ҳам худди шундай манзара кузатилди ( $\chi^2 < 3.84$ ;  $P > 0.05$ ).

Шу муносабат билан, тадқиқот натижаларига кўра, MDR1 генининг (C3435T) полиморфизми Ўзбекистонда ЮЖСТН ҳосил бўлиш жараёнларида мустақил иштирок этади, деб айта олмаймиз.

MDR1 (C1236T) генининг локуслари частотасини назорат гуруҳи билан солиштирганда ЮЖСТН билан бўлган асосий гуруҳда Т кичик аллели ( $\chi^2 = 0.4$ ;  $P = 0.6$ ;  $OR = 1.1$ ;  $95\%CI: 0.77-1.7$ ), С/Т гетерозигота ( $\chi^2 = 0.2$ ;  $P = 0.7$ ;  $OR = 1.1$ ;  $95\%CI: 0.65-1.93$ ) ва Т/Т мутант локуси ( $\chi^2 = 0.1$ ;  $P = 0.8$ ;  $OR = 1.2$ ;  $95\%CI: 0.52-2.56$ ) нинг тез тез учрашининг статистик жиҳатдан аҳамиятсизлиги аниқланди.

### 3-жадвал

#### Юқори жағ соҳаси туғма нуқсонлари бўлган беморлар ва соғлом назорат гуруҳларида MDR1 генида аллеллар ва генотиплар полиморфизми C1236T частоталарининг тақсимланиши

№	Гуруҳлар	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг учраш даражаси					
		С		Т		С/С		С/Т		Т/Т	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
I	Асосий гуруҳ, n=105	127	60.5	83	39.5	37	35.2	53	50.5	15	14.3
II	Q35 (танглайда ёриқ), n=35	45	64.3	25	35.7	14	40.0	17	48.6	4	11.4
III	Q36 (лабда ёриқ), n=33	42	63.6	24	36.4	10	30.3	22	66.7	1	3.0
IV	Q37 (танглай ва лабда ёриқ), n=37	40	54.0	34	46.0	13	35.1	14	37.8	10	27.0
V	Назорат гуруҳи, n=103	131	63.6	75	36.4	41	39.8	49	47.6	13	12.6

Q35 билан бўлган гуруҳда натижалар ўрганилаётган кўрсаткичлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқларнинг мутлақо йўқлиги билан тавсифланди ( $\chi^2 < 3.84$ ;  $P > 0.05$ ).

Q36 билан бўлганлар ва соғлом гуруҳлар ўртасида аллеллар ташувчанлигида ҳеч қандай фарқлар йўқ эди ( $\chi^2 < 3.84$ ;  $P = 0.99$ ). Шу билан бирга, С/Т генотипларининг частота тақсимланишида ( $\chi^2 = 3.7$ ;  $P = 0.1$ ;  $OR = 2.2$ ;  $95\%CI: 0.98-4.96$ ) беморлар орасида С/Т генотипининг кўпроқ учраши ва Т/Т генотипининг аҳамиятсиз пасайиши тенденцияси кузатилди.

Беморлар орасида Т кичик аллел ташувчанлик улушининг аҳамиятсиз 1,5 баравар кўпайиши Q37 ва назорат гуруҳлари ўртасида топилган ( $\chi^2 = 2.1$ ;  $P = 0.2$ ;  $OR = 1.5$ ;  $95\%CI: 0.87-2.54$ ). С/С ёввойи частота ( $\chi^2 = 0.3$ ;  $P = 0.7$ ;  $OR = 0.8$ ;  $95\%CI: 0.38-1.79$ ) ва С/Т гетерозиготали ( $\chi^2 = 1.0$ ;  $P = 0.4$ ;  $OR = 0.7$ ;  $95\%CI: 0.31-1.44$ ) генотиплар тақсимотидаги фарқлар ҳам статистик ишончлилик даражасига эришмади. Бироқ, Т/Т генотипининг мутант вариантыга нисбатан Q37 билан бўлган беморлар орасида 2.6 маротаба статистик жиҳатдан сезиларли ошиши

аниқланган ( $\chi^2=4.1$ ;  $P=0.05$ ;  $OR=2.6$ ;  $95\%CI$ : 1.03-6.37).СИ: 1.03-6.37) статистик жиҳатдан уни ишончли ўсиши аниқланди.

Шундай қилиб, натижалар С/Т генотипининг алоҳида ҳолда лаб ёриғи (Q36) ва Т/Т генотипининг аралаш танглай ва лаб (Q37) ҳосил бўлиш механизмларига мумкин бўлган ҳиссасини аниқлашга имкон берди.

Диссертациянинг «Юз-жағ соҳаси туғма нуқсонларида фолат цикли генлари полиморф вариантларининг (MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G), MTRR A66G (Pе22Met)) тарқалганлик хусусиятларини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида фолат алмашинуви полиморф генларининг MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G) ва MTRR A66G (Pе22Met) молекуляр генетик текширувлари натижалари келтирилган ва ЖЮСТН бошланиш механизмида уларни ҳиссасини баҳолаш ўтказилган.

ЖЮСТН билан бўлган беморлар ва соғломларнинг текширув ўтказилган гуруҳларида MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C) полиморф генлари генотипик вариантлари частотасини тақсимланишига кўра РХВ бўйича ( $\chi^2<0.84$ ;  $p>0,05$ ) фарқлар аниқланмади. Шу билан бирга, MTR генидаги A2756G локусининг кузатилган ва кутилган А/А, А/С ва С/С генотиплари частоталарини тақсимланишида РХВ дан оғишлар Q37 билан бўлган беморлар гуруҳида аниқланди ( $\chi^2=8.04$ ;  $P=0.003$ ). Бундан ташқари, MTR (A2756G) ва MTRR A66G (Pе22Met) полиморф генлари учун кузатилган ва кутилган генотипларнинг частоталари орасида Q35 ( $\chi^2=5.5$ ;  $P=0.02$ ), Q36 ( $\chi^2=4.36$ ;  $P=0.037$ ) ва Q37 ( $\chi^2=5.44$ ;  $P=0.02$ ) бўлган беморлар орасида статистик жиҳатдан ишончли фарқлар, яъни каноник Харди-Вайнберг мувозанатидан оғиш аниқланди.

#### 4-жадвал

#### Юқори жағ соҳаси туғма нуқсонлари бўлган беморлар ҳамда соғлом назорат гуруҳларида MTHFR (C677T) полиморфизми аллел ва генотиплари частоталарининг тақсимланиши.

№	Гуруҳлар	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг учраш даражаси					
		С		Т		С/С		С/Т		Т/Т	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
I	Асосий гуруҳ, n=105	145	69.0	65	31.0	51	48.5	43	41.0	11	10.5
II	Q35 (танглайда ёрик), n=35	52	74.3	18	25.7	18	51.4	16	45.7	1	2.9
III	Q36 (лабда ёрик), n=33	49	74.2	17	25.8	19	57.6	11	33.3	3	9.1
IV	Q37 (танглай ва лабда ёрик), n=37	44	59.5	30	40.5	14	37.8	16	43.2	7	19.0
V	Назорат гуруҳи, n=103	166	80.6	40	19.4	68	66.0	30	29.1	5	4.9

ЮЖСТН билан бўлган асосий гуруҳда генетик полиморфизм MTHFR (C677T) бўйича аллел ва генотипларнинг учраши ёмон оқибатга олиб келувчи Т аллелнинг деярли икки баравар статистик ишончли кўпайиши билан тавсифланган ( $\chi^2=7.3$ ;  $P=0.01$ ;  $OR=1.9$ ;  $95\%CI$ : 1.19-2.92) назорат гуруҳидаги

ўхшаш билан таққослаганда. С/Т генотиби ташувчанлигида ЮЖСТН ҳосил бўлиш хавфи 1,7 мартага ( $\chi^2=3.2$ ;  $P=0.1$ ;  $OR=1.7$ ;  $95\%CI: 0.95-3.0$ ) ва Т/Т генотиби ташувчанлигида 2,3 мартага ( $\chi^2=2.3$ ;  $P=0.2$ ;  $OR=2.3$ ;  $95\%CI: 0.79-6.68$ ) аниқланди.

Соғлом гуруҳга нисбатан Q35 билан бўлган гуруҳдаги МТНFR (С677Т) полиморфизмининг қиёсий таҳлили Т аллел ташувчанлиги улушининг сезиларли даражада ошиши ( $\chi^2=1.2$ ;  $P=0.3$ ) ва С/С генотип частотасининг пасайиши ( $\chi^2=2.4$ ;  $P=0.2$ ) билан тавсифланди. С/Т гетерозигота генотипининг улушини 2,0 баробар ( $\chi^2=3.2$ ;  $P=0.1$ ) ошиш тенденцияси ва Т/Т генотип ташувчанлигида ( $\chi^2=0.3$ ;  $P=0.7$ ) унчалик катта бўлмаган фарқ аниқланган.

Q36 билан бўлган беморлар гуруҳида аллеллар ва генотипларнинг частоталари бироз ошгани аниқланди ( $\chi^2<3.84$ ;  $P>0.05$ ).

Q37 билан бўлган беморлар гуруҳида кичик ноқулай Т аллелининг частотаси юқори статистик ишончлик билан назорат гуруҳида ўхшашга қараганда 2,8 баравар юқори эди ( $\chi^2=13.0$ ;  $P=0.01$ ). Худди шу муҳим динамика катта С/С генотипининг протектив таъсирининг пасайиши ( $\chi^2=8.9$ ;  $P=0.01$ ), Т/Т мутант генотипининг улуши 4,6 баравар ( $\chi^2=6.9$ ;  $P=0.01$ ) ошиши С/Т гетерозиготали генотиби частотасининг деярли икки баравар ( $\chi^2=2.5$ ;  $P=0.2$ ) бироз ошиши билан қайд этилган.

Бинобарин, МТНFR (С677Т) генетик полиморфизмининг ноқулай Т аллели ва С/Т ва Т/Т генотиплари ЖЮСТН шаклланиш хавфининг ортиши, хусусан Q35 ва Q37 нинг генетик башоратчилари сифатида қаралиши мумкин.

МТНFR (А1298С) генининг асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида тақсимланишининг қиёсий таҳлилида сезиларли фарқлар аниқланмади ( $\chi^2<3.84$ ;  $P>0.05$ ) (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Юқори жағ соҳаси туғма нуқсонлари бўлган беморлар ва соғлом назорат гуруҳларида МТНFR (А1298С) полиморфизми аллел ва генотиплари частоталарининг тақсимланиши

№	Гуруҳлар	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг учраш даражаси					
		А		С		А/А		А/С		С/С	
		п	%	п	%	п	%	п	%	п	%
I	Асосий гуруҳ, n=105	148	70.5	62	29.5	51	48.6	46	43.8	8	7.6
II	Q35 (танглайда ёрик), n=35	47	67.1	23	32.9	16	45.7	15	42.9	4	11.4
III	Q36 (лабда ёрик), n=33	41	62.1	25	37.9	11	33.3	19	57.6	3	9.1
IV	Q37 (танглай ва лабда ёрик), n=37	60	81.1	14	18.9	24	64.9	12	32.4	1	2.7
V	Назорат гуруҳи, n=103	158	76.7	48	23.3	59	57.3	40	38.8	4	3.9

Q35 билан бўлган беморлар гуруҳлари ва соғлом шахслар ўртасидаги таққослаш натижалари ноқулай С аллелининг ташувчанлиги орасида Q35 ( $\chi^2=2.5$ ;  $P=0.2$ ) шаклланишида муҳим роли йўқлигини ва ушбу патологияни

ривожланиш хавфини 3,2 маротабага ошиш тенденциясининг С/С мутант генотиби ташувчанлиги орасида мавжудлигини аниқлади ( $\chi^2=2.7$ ;  $P=0.1$ ).

С аллели ( $\chi^2=5.4$ ;  $P=0.025$ ;  $OR=2.0$ ;  $95\%CI: 1.12-3.61$ ) ва А/А катта генотип ( $\chi^2=5.7$ ;  $P=0.025$ ) частотаси улушида статистик муҳим фарқ Q36 билан бўлган беморлар ва соғлом шахсларнинг гуруҳлари ўртасида топилган. Бундан ташқари, С/С мутант генотиби ( $\chi^2=1.4$ ;  $P=0.3$ ) учун ишончсиз фарқ билан А/С гетерозигота генотипининг улушини 2,1 баробар ошиш тенденцияси кузатилди ( $\chi^2=3.6$ ;  $P=0.1$ ).

MTHFR (A1298C) ген полиморфизмининг аллелик ва генотипик вариантларини Q37 билан бўлган беморлар гуруҳлари ва соғлом шахслар ўртасида ташувчанлигидаги фарқлар статистик аҳамиятга эга эмас эди.

Шундай қилиб, MTHFR (A1298C) генининг полиморфизмини Ўзбекистонда алоҳида ҳолда танглай ва алоҳида ҳолда лаб ёриғи ҳосил бўлиш хавфи ортинининг генетик башоратчилари деб ҳисоблаш мумкин.

ЖЮСТН билан бўлган асосий гуруҳдаги MTR (A2756G) генининг полиморфизмига кўра аллел ва генотип ташувчиларининг улушида соғлом гуруҳга нисбатан сезиларли фарқлар топилмади (6-жадвалга қаранг).

**6-жадвал**

**Юқори жағ соҳаси туғма нуқсонлари бўлган беморлар ва соғлом назорат гуруҳларида MTR (A2756G) полиморфизми аллел ва генотиплари частоталарининг тақсимланиши**

№	Гуруҳлар	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг учраш даражаси					
		А		G		A/A		A/G		G/G	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
I	Асосий гуруҳ, n=105	176	83.8	34	16.2	75	71.4	26	24.8	4	3.8
II	Q35 (танглайда ёриқ), n=35	59	84.3	11	15.7	25	71.4	9	25.7	1	2.9
III	Q36 (лабда ёриқ), n=33	54	81.8	12	18.2	21	63.6	12	36.4	0	0.0
IV	Q37 (танглай ва лабда ёриқ), n=37	63	85.1	11	14.9	29	78.4	5	13.5	3	8.1
V	Назорат гуруҳи, n=103	168	81.6	38	18.4	70	68.0	28	27.2	5	4.8

Q35 билан бўлган гуруҳда таҳлил натижалари статистик муҳим фарқларга эга эмас эди ( $\chi^2<3.84$ ;  $P>0.05$ ).

Q37 ва назорат гуруҳлари ўртасида назорат билан таққослаганда А/Г генотипининг гетерозигот вариантининг частотасини камайиш тенденцияси аниқланди ( $\chi^2=2.8$ ;  $P=0.1$ ). А/Г генотиби алоҳида ҳолда лаб ёриғи (Q36) хавфини аралаш танглай ва лаб ёриғи (Q37) билан солиштирганда 3,7 баравар ошиши аниқланди, бу эса уни Ўзбекистонда Q36 ривожланиш хавфига мойил бўлган генетик башоратчи деб ҳисоблаш имконини беради.

ЮЖСТН билан бўлган асосий гуруҳдаги MTRR A66G (Ile22Met) генининг полиморфик вариантга аллел ва генотипни ташувчанлик частоталарининг соғломларга нисбатан фарқларининг таҳлили локуслар

частоталарида соғломларга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятсиз фарқлар мавжудлигини кўрсатди ( $\chi^2 < 3.84$ ;  $P > 0.05$ ).

### 7-жадвал

#### Юқори жағ соҳаси туғма нуқсонлари бўлган беморлар ва соғлом назорат гуруҳларида MTRR A66G (Ple22Met) полиморфизми аллел ҳамда генотиплари частоталарининг тақсимланиши.

№	Гуруҳлар	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг учраш даражаси					
		A		G		A/A		A/G		G/G	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
I	Асосий гуруҳ, n=105	168	80.0	42	20.0	58	55.2	36	34.3	11	10.5
II	Q35 (танглайда ёрик), n=35	58	82.9	12	17.1	26	74.3	6	17.1	3	8.6
III	Q36 (лабда ёрик), n=33	44	66.7	22	33.3	12	36.4	20	60.6	1	3.0
IV	Q37 (танглай ва лабда ёрик), n=37	50	67.6	24	32.4	20	54.1	10	27.0	7	18.9
V	Назорат гуруҳи, n=103	160	77.7	46	22.3	64	62.1	32	31.1	7	6.8

Q35 билан бўлган беморлар ва соғломлар гуруҳлари ўртасидаги қиёсий таҳлил натижалари аллел ва генотиплар частоталарида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқлигини ҳам кўрсатди ( $\chi^2 < 3.84$ ;  $P > 0.05$ ).

Q36 ва соғлом гуруҳлар ўртасида ўтказилган шунга ўхшаш тадқиқотлар G кичик аллелининг частотасини ошиши билан бўлган яққол тенденцияси ( $\chi^2 = 3.2$ ;  $p = 0.1$ ), A/A ёввойи генотипининг статистик жиҳатдан сезиларли пасайиши ( $\chi^2 = 6.7$ ;  $p = 0.01$ ), A/G гетерозиготали генотипини 3,4 мартаба ошиши ( $\chi^2 = 9.2$ ;  $p = 0.01$ ), G/G мутант генотипи ташувчанлигининг сезиларли бўлмаган пасайиши билан аниқланди ( $\chi^2 = 0.6$ ;  $p = 0.5$ ).

Q37 ва назорат гуруҳлари ўртасида, G кичик аллел ташувчанлиги улушини ошиши учун яққол мойиллик ( $\chi^2 = 3.0$ ;  $p = 0.1$ ), G/G мутант генотипи частотасида статистик муҳим фарқлар ( $\chi^2 = 4.4$ ;  $p = 0.05$ ; OR=3.2; 95%CI: 1.09-9.44) бор эди, бошқа локусларни тақсимотида муҳим фарқлар йўқ бўлганда ( $\chi^2 < 3.84$ ;  $P > 0.05$ ).

MTRR A66G (Ple22Met) генининг полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг улушларини Q36 ва Q37 билан бўлган беморлар гуруҳлари ўртасида таққослаганда A/G гетерозиготали генотип частотасининг статистик жиҳатдан сезиларли ошиши A/G ( $\chi^2 = 8.0$ ;  $p = 0.01$ ; OR=4.2; 95%CI: 1.55-11.12) ва G/G мутант генотипи частотасининг пасайиши (3.0% 18.9%га нисбатан;  $\chi^2 = 4.4$ ;  $P = 0.05$ ) аниқланди.

Шундай қилиб, мунозарани якунлаб, MTRR A66G (Ple22Met) полиморфик генига кўра, Q36 ҳосил бўлиш механизмларида G кичик аллели ва A/G гетерозиготали генотипи ва Q37 шаклланишида G/G мутант генотипи иштирок этади деган хулосага келишимиз мумкин.



*3-расм. Юқори жағ соҳаси туғма нуқсонлари бўлган болаларни туғилиш хавфини олдини олиш ва ушбу нуқсонлар аниқланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ташкилий ва профилактика чора тадбирлари.*

Диссертациянинг «Юз-жағ соҳаси туғма нуқсонларининг ташҳислаш протоколларини такомиллаштириш ва клиник кечишини башорат қилиш, профилактика тадбирларининг ташкилий стратегияларини ишлаб чиқиш» олтинчи бобида хромосома таҳлили ва ген-ген ўзаро таъсирининг роли асосида ЮЖСТН ривожланишини ташҳислаш ва башорат қилишни такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистонда ЮЖСТН ривожланишининг олдини олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш бўйича маълумотлар келтирилган.

ЮЖСТН билан бўлган 105 та бемор ўртасида ўтказилган цитогенетик тадқиқот 46, XX, +der(15)t(9;15)(p13;q11.2); 46, XX, 46, XY, 22q11.2 (22q11.21) ва 46, XX +der(9)t(1;9)(q32.3; p22.2) шаклида хромосомаларнинг сифатли бузилиши мавжуд бўлган учта беморда Паттау, Эдвардс ва Даун синдроми кўринишидаги хромосомаларнинг микдорий бузилишларини учта ҳолатда ҳам аниқлашга имкон берди.

Ўтказилган тадқиқот P450 цитохром ферменти ва Р-гликопротеин синтезининг бузилиши билан боғлиқ, детоксикация тизимининг фоллий кислотаси циклининг ферментларини ва I ва III фаза ферментларини кодловчи генларнинг локуслари орасида ишончли ген-ген ўзаро таъсирини аниқлади.

Аввало, ташкилий жиҳатларнинг бутун мажмуасини ифодаловчи профилактика чоралари босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

**Биринчи босқич** соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини ходимларининг мунтазам ишлаши орқали ижтимоий-маиший даражани, маданият ва таълимни, шунингдек, аҳолини соғломлик кўрсаткичини ошириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Ҳомиладорликни режалаштиришдан олдин профилактика ишларининг **иккинчи босқичи** генетик шифокорлар томонидан мажбурий туман ва вилоят тиббий-генетик маслаҳатларини ўтказишни таъминлаши керак.

**Учинчи босқичда** республика етакчи илмий-амалий тиббиёт марказлари негизида фаолият юритаётган ихтисослаштирилган тиббий генетика бўлимлари ва лабораторияларида ҳомиладорлик ва болалар туғилишини режалаштираётган ота-оналарда генетик бузилишларни аниқлаш ёки истисно қилиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, ЮЖСТН билан бўлган болалар туғилишининг олдини олиш бўйича ташкилий ва профилактика чораларини такомиллаштириш асосида биз ушбу соҳада 1-расмда келтирилган асосий стратегияларни ишлаб чиқдик.

## ХУЛОСАЛАР

**«Юз-жағ соҳасининг туғма нуқсонлари ривожланишининг клиник ва молекуляр генетик асослари»** мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. ЮЖСТН билан бўлган беморларни комплекс клиник ва генетик тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш касалликнинг ривожланиш хавфи ва кечиши даражасининг мойиллик қилувчи экзоген ва эндоген омилларга боғлиқлигини аниқлади.

2. ЮЖСТН даги хромосома бузилишлари миқдорий ва сифат бузилишлари билан ифодаланиши аниқланди. 18 ва 21 хромосомаларда трисомия (мос равишда Эдвардс ва Даун синдромлари), шунингдек, кўплаб хромосома бузилишларининг ноёб шакли топилган;

3. ЮЖСТН нинг шаклланиши ва кечиш оғирлиги хавфи билан MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C) ва MTRR (Ile22Met) - фолат алмашинуви генларининг мойиллик қилувчи генотипик вариантларини ташувчанлиги ўртасида ишончли муҳим боғлиқлик аниқланди. Ушбу генларнинг заифлашган генотипик вариантлари ташувчиси билан ЮЖСТН ривожланиш хавфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2 мартадан кўпроқ ( $\chi^2=7.3$ ;  $p=0.01$ ), касалликнинг оғир шакли 4,5 дан кўпроқ ( $OR=4.6$ ;  $\chi^2=4.6$ ;  $p=0.01$ ) ошади. Бир вақтнинг ўзида, ушбу генларнинг ёввойи генотипик вариантлари касалликнинг ривожланиш хавфини камайтириш билан аҳамиятли равишда боғлиқ ( $OR>1$  да  $p<0.05$ );

4. Детоксикация тизимининг I ва III фазаларининг ферментларини кодловчи CYP1A1 (Ile462Val) ва MDR1 (C1236T) генларининг «функционал жиҳатдан ёмон оқибатга олиб келувчи» генотипик вариантларини ташувчанлик ЮЖСТН шаклланиш хавфи билан боғлиқ. Ушбу генларнинг ёмон оқибатга олиб келувчи гомозиготали генотипик вариантларини ташувчанлигида касалликнинг ривожланиш хавфи ишончли равишда 2 мартадан кўпроқ ошади ( $OR=2.3$  ва  $OR=2.6$ ;  $p<0.05$ ). Аксинча, CYP1A1 ва MDR1 генларининг Ile462Ile ва C1236C генотипик вариантлари ЮЖСТН шаклланишига нисбатан протектив таъсири билан боғлиқ;

5. ЮЖСТН нинг ривожланиш хавфи ва MTR (A2756G) ва MDR1 (C3435T) генетик полиморфизмлари ўртасида ишончли ассоциатив боғлиқлик ўрнатилмаган, бу ЮЖСТН ( $OR<1$ ;  $p>0.05$ ) ривожланиш механизмида ушбу локусларнинг мустақил роли йўқ деган хулосага келиш имконини беради;

6. Ўрганилаётган тизимли генларнинг ЮЖСТН нинг шаклланишига нисбатан ёмон оқибатга олиб келувчи генотипик вариантларининг ўзаро таъсирида муҳим қўшимча таъсир кўрсатилади. Ушбу маълумотлар касаллик ривожланиш механизмида ксенобиотиклар ва фолат метаболизмининг биотрансформациясини тартибга солувчи генларнинг ўзаро таъсирида нозологик синергизм мавжудлиги ҳақидаги назарий тушунчага мос келади;

7. ЮЖСТН билан бўлган беморларни ташҳисини тўғри қўйиш ва самарали олиб бориш тактикасини аниқлаш учун беморларни текширув алгоритми такомиллаштирилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ГУЛЬМУХАМЕДОВ ПУЛАТ БАХТИЁРОВИЧ**

**КЛИНИЧЕСКИЕ И МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ  
РАЗВИТИЯ ВРОЖДЕННЫХ ПОРОКОВ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ  
ОБЛАСТИ**

**14.00.21–Стоматология**

**14.00.33-Общественное здравоохранение. Менеджмент в здравоохранении**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА МЕДИЦИНСКИХ НАУК (DSc)**

**Самарканд – 2024**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций за B2022.2.DSc/Tib712.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекском, русском, английский (резюме)) размещён на веб-сайте по адресу ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

<b>Научные консультанты:</b>	<b>Хабиллов Нигмон Лукмонович</b> доктор медицинских наук, профессор
	<b>Ризаев Жасур Алимжанович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Искандарова Шахноза Тулкиновна</b> доктор медицинских наук, профессор
	<b>Амхадова Малкан Абдрашидовна</b> доктор медицинских наук, профессор
	<b>Закирова Умида Иркиновна</b> доктор медицинских наук, доцент
<b>Ведущая организация</b>	<b>Южно-казахстанская медицинская академия (Казахстан)</b>

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета Самаркандского государственного медицинского университета DSc.04/05.06.2020.TIB.102.02 в \_\_\_\_ 2024 года в \_\_\_\_\_. Адрес: 140100, г. Самарканд, улица Амира Темура, дом 2. Тел.: (+99866) 233-30-34; электронная почта: [ilmiyprorektor@sammu.uz](mailto:ilmiyprorektor@sammu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Центре информационных ресурсов Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрированный номер № \_\_\_\_\_). Адрес: 140100, г. Самарканд, улица Амира Темура, дом 2. Телефон: (+99866) 233-30-34.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2024 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2024 г.)

**Т.Э. Зойиров**

Председатель разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Г.У. Самиева**

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Ш.Т. Искандарова**

Председатель разового научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире неуклонно растут врожденные пороки челюстно-лицевой области (ВПЧЛО) среди детей, приводящих к инвалидности, развитию опасных для жизни осложнений и высокой летальности. По данным ВОЗ, «...среди всей большой группы пороков развития человека более 80% приходится на долю не синдромных врожденных дефектов нёба и губы, имеющие высокую частоту встречаемости и зачастую тяжелое течение...»<sup>1</sup>. Врожденные пороки челюстно-лицевой области являются многофакторными патологиями, важная роль в формировании которых отводится как экзогенным (загрязненный воздух, повышенный радиационный фон, влияние на плод наркотических веществ, алкоголя, никотина, инфекционных заболеваний и т.п.), так и эндогенным факторам (гормональные изменения во время эмбриогенеза, наследственная предрасположенность, генетические факторы). Среди генетических факторов особое внимание отводится генам, участвующим в процессах детоксикации ксенобиотиков (имеющие решающее значение для выведения из организма экзогенных химических веществ) и регуляторам фолатного цикла (участвующие в метаболизме фолатов). Их структурные изменения чреваты с высоким риском формирования различных пороков развития, в том числе и расщелины нёба и губы. Между тем, определение роли генов в развитии ВПЧЛО является одним из актуальных вопросов современной медицины.

Во всем мире проводятся ряд целенаправленных научных исследований, по комплексной оценке, клинических и инструментальных проявлений ВПЧЛО. В связи с этим особую научную и практическую значимость приобретают исследования, направленные на изучение особенностей распределения генотипов и аллелей полиморфных локусов генов системы детоксикации ксенобиотиков CYP1A1 (Ile462Val), MDR1 (C3435T), MDR1 (C1236T) и локусов генов системы фолатного цикла (MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G), MTRR (Ile22Met)) у больных с врожденными пороками челюстно-лицевой области, анализ генофенотипических признаков и оценку корреляции между генетическими изменениями и формированием ВПЧЛО, усовершенствование диагностических и прогностических критериев развития и тяжести клинического течения врожденных пороков челюстно-лицевой области, разработку методических рекомендаций по организации и улучшению качества медицинской помощи пациентам с диагностированными ВПЧЛО.

В нашей стране реализуются комплексные меры, направленные на развитие медицинской отрасли, адаптацию системы здравоохранения к требованиям мировых стандартов, в том числе по предотвращению и устранению развития врожденных пороков. В связи с этим, в соответствии с

---

<sup>1</sup>Nasreddine, G., El Hajj, J., & Ghassibe-Sabbagh, M. (2021). Orofacial clefts embryology, classification, epidemiology, and genetics. *Mutation Research/Reviews in Mutation Research*, 787, 108373. doi:10.1016/j.mrrev.2021.108373.

семью приоритетными направлениями Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в повышении уровня оказания медицинской помощи населению на новую ступень, определены задачи «...по повышению качества оказания квалифицированных услуг населению в первичной медико-санитарной службе...»<sup>2</sup>. Исходя из этих задач, целесообразно проведение научных исследований, направленных на снижение рождаемости детей с врожденными пороками развития лица и челюсти, снижение инвалидности и смертности от их осложнений, повышение эффективности использования современных молекулярно-генетических методов исследования в пренатальной и предимплантационной ДНК-диагностике болезни.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года, № УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» от 12 ноября 2020 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» от 25 мая 2021 года, № ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» от 12 ноября 2020 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

